



FARG'ONA TONGI

Farg'ona shahar hokimligining ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazetasi

Gazeta 1995-yildan chiqa boshlagan

2021-yil 28 yanvar payshanba

№ 2-son (972)

E-mail: info@fargona.uz

VI чақириқ халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг XXI сессияси



Сессия ишига сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Шунингдек, сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Умаров Нариман Маджитович, Олий Мажлис Сенати аъзоси Сиддиқова Энахон Абдурахимовна ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Убайдуллаев Мирзохид Муродиллович иштирок этди.

Барчамизга маълумки, 2020-йилнинг 29-декабр куни давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мурожаатнома йўллади.

Сессия иши кун тартибида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Фарғона шаҳрида 2021-йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, қўриладиган чора-тадбирлар, бу борада белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида, тизимли ва сифатли таъминланишида депутатлик назоратини йўлга қўйиш масаласи киритилди.

Мазкур масала юзасидан

Фарғона шаҳар ҳокими Хамиджон Хабибидиновнинг ахбороти эшитилди. Шунингдек, сессия ишида шаҳар ҳокими ўринбосари Фарход Абдиллазов, шаҳар прокурори, 2-сектор раҳбари Атхамжон Мамадалиев, маърузалари тингиланди.

Мажлис кун тартибида шаҳар Кенгаши котибияти мудир лавозимига шаҳар Кенгаши депутатлари орасидан муносиб номзодни танлаш масаласи муҳокама этилди. Муҳокама жараёнида барча депутатлар фаол иштирок этиб, тавсия этилаётган номзодлар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шаҳар Кенгаши депутатларининг тавсиясига кўра "7-Янгий" сайлов округидан шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган депутат Камалов Шерзод Қодиржон ўғлини халқ депутатлари шаҳар Кенгаши котибияти мудир лавозимига тайинланди.

Кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан сессия қатнашчилари томонидан қарорлар қабул қилинди.

Ватан тўйига муносабат...

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ГАВҲАРИ ФАРҒОНА

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизнинг сўлим шаҳарларидан бири Фарғона дунё шаҳарлари билан тенглаша оладиган даражада чиroy очмоқда. Бунёдкорлик, ободончилик, замонавий меъморий иншоотларнинг қад кўтариши натижасида қиёси йўқ шаҳарга айланмоқда. Ҳамшаҳарларимизнинг фидокорона меҳнатлари замирида албатта шу Ватанга меҳрлари чексизлигини кўраимиз.

Кўз гавҳарига қиёсланган азим шаҳримизнинг ўз тарихи борки, бу саҳифаларини тақдор варақлаш билан ёш авлоднинг онгида миллий ифтихор туйғулари қайта жонлантирилади.

Самовий аргумоклар
Азалдан Фарғона шаҳри Ўзбекистоннинг қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлган. Фарғона давлати – Даван тўғрисидаги маълумотлар қадимги Хитой солномаларида эрамизнинг II асри охиридан бошлаб келтирилади. Ўрта асрларда эса у Мовароуннахрнинг етакчи ўлкаларидан бири ҳисобланган.

Қадимги даврда Римдан Хитойгача бўлган мамлакатларда Ўрта Осиёнинг «саман отлари» тенги йўқ ҳисобланган. Қадимги манбаларда «ғайритабиий мавжудотлар», «илоҳий отлар», «осмон отлари» деб аталган Ўрта Осиё отларининг шон-шухрати айнан миллидан аввалги 1 мингйилликка бориб тақалади. Бундай отларни етиштиришда Фарғона йилқичи-наасчлари донг таратган. Дунё бўйлаб ном чиқарган Фарғона отлари

хатто ўзаро урушларга, босқинчилик юришларига сабаб бўлган.

Хитойдаги отлар жуссаси кичик, оёқлари калта, тез чопа олмас, Фарғона отларига тенг келмасди. Фарғонада бўлган элчи Чжан Чян эс-даликларида Фарғона (Даййуан) отлари ҳақида қуйидаги маълумотлар

тойда маҳаллийлаш-тирилган.

Буюк савдо йўли

Савдо жиҳатидан Қадимги Фарғона жаҳон цивилизациясининг муҳим марказларидан бири бўлган. Қадимги Фарғона, Сўё, Хоразм каби Туронзаминнинг йирик маданий ўчоқларидан бири ҳисобланиб, умумбашариёт маданиятига қўшган муносиб ҳиссаси туяйли "Фарғона цивилизацияси" деган ном остида жаҳон тарихига кирган.

Хитой йилномаларида Фарғона водийида 70 дан ортиқ катта-кичик савдо шаҳарлари мавжудлиги келтирилган. Дунёдаги энг улкан ва энг узун карвон йўли "Буюк ипак йўли" нинг бир тармоғи айнан Фарғона водийисидан ўтгани, ўлкамиз учун дунё тамаддунига кенг йўл очилгани ҳақида тарихнинг ўзи гувоҳлик беради.

Алқисса шунки, бугун

мустиқиллик қуёши шаҳримиз кўчаларига нур бўлиб кирди. Кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Баъзан ўзгаришлар қўлигидан нафақат туристлар, ўзимиз ҳам эски кўчаларни танимай қоламиз.

"Оққан дарё оқаверади" деганларидек, кундан-кун чиroy очиб бораётган бу каби ўзгаришларнинг поёни йўқ. Бу каби барча соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар мустиқиллик берган улғур неъмат эканлигини унутмаслик, шуҳроналикда яшаш ҳар бир миллатдошимизнинг эзгу вазифасидир.

Муаттар МАХМУДОВА.

580-йиллик олдида

БУЮК ҲИММАТ СОҲИБИ



**Қишнинг қабоғида кўлам кўринди,
Келмаган кўлам ҳам кўркам кўринди.
Ҳазрат Навоийни бир йўқлаб эдим,
Кўз юмсам кўнглимда олам кўринди.**

Ўзбек мумтоз адабиёти ва ўзбек адабий тили асосини улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий инсониятни, кишилик жамиятини севган улкан қалб эгаси бўлгани маълум. У инсонни Оллоҳ таолонинг энг олий мавжудоти деб билган ва доимо одамларга ҳисоб қилиш, дардларига малҳам бўлишга интилган. Шу боис унинг:

**Одами эрсанг демагил одами
Они, ким йўқ халқ ғамидин ғами...**
деган мисраларини билмаган, мазмунини тушунмаган ватандошларимиз ҳам топилади. Бутун умрини инсонларга яхшилик

қилишга сарфлаган улуғ шоир барча асарларида яхшиликни, Ҳиммат ва саховатни улуғлади. Унинг ижодида меҳр-оқибат масаласи муҳим ижтимоий-сиёсий қимматга эга. Ҳимматни инсоннинг қадр қимматини белгилловчи маънавий-ахлоқий жиҳат сифатида таърифлайди. Ушбу рубоидида Ҳимматга аjoyиб таъриф берган:

**Ҳар кимсаки, иқбол анинг ёваридур,
Ҳар ёнги юз урса, Ҳиммати раҳбаридур,
Ҳиммат дур фахр тожининг гавҳаридур,
Чун Ҳиммати Одам ўғлининг сарваридур.**

Демак, Алишер Навоий фикрича, Ҳимматли киши Одам ато авлоди бўлмиш инсониятнинг раҳбари бўлиш даражасига лойиқ экан. Ҳақиқатдан ҳам шундай инсонгина оиласига, қариндош-уруғига, маҳалласи ҳамда Ватани қорига ярайдиган ишлар қила олади. Ҳар ишда саховатли бўлади. Ҳиммат ва яхшиликнинг катта кичиги, қиммати бўлмайди. Шунинг учун ҳам инсонларга бир оғиз айтадиган ширин каломингиз ҳам Ҳимматнинг бир кўринишидир.

Ҳазратнинг ўзи умри давомида инсонларга яхшиликлар қилиб, саховатли бўлгани кўпгина тарихий китобларда баён этилган. Масалан, Хондамирнинг «Мақоримул ахлоқ» асарида улуғ шоирнинг ҳаёти ва фаолияти таърифланади. Қуйидаги парчага эътибор беринга «Шундай воқеалар ҳам кўп бўлганки, Ҳазрати Соҳибқироннинг девон хизматчилари баъзи бир зарур

ҳаражатлар учун халқ устига оғир солиқлар юклагоқчи бўлганларида улуғ амир халқнинг қийналмаслиги, бу ҳол салтанат низомига бузилиш солмасин учун бу маблағларни ўз ҳисобидан тўлаб юборади». Хондамир бу уринда 1500 йилнинг август ойида Хирот аҳолиси бошига тушган эллик минг динар кепаккий солиқни Алишер Навоий тўлаб юборганини ёзади.

Улуғ шоир топган тутганини савобли ишларга сарфлаган, етим-есирларга қўлидан келганча Ҳимматини аямаган, фозиллар, толиби илм, хаттотларга ҳамда қалам аҳлига ҳомилик қилган. Шоирнинг ўзи эса оддий ва фақирона ҳаёт кечирган, ортиқча ҳашамат ва зебу-зийнатга қизиқмаган. Бу ҳақда ўзи «Вақфия» асарида бундай ёзади: «Ўз тирикчилигим учун оддий бир одамнинг тирикчилигига етарли, иссиқ-совуқдан асровчи бир жуфт тўн, яна шунга яраша овқат билан чекландим».

Улуғ бобокалонимиз таваллуд кунини нишонлар эканмиз, биринчи Президентимизнинг бу зоту шариф ҳақида айтган сўзлари яна бир кара ҳаёлимиздан ўтади:

Ҳазрат Навоий шундоқ буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яраш келмаётган экан, бу улуғ меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп бахраманд этсак, маънавиятини юксалтишга кўтаришда, инсоний фазилатлари камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Наргиза МАШАРИПОВА.

«COVID-19» Янги штамми Ўзбекистонда аниқланмади

"COVID-19 нинг янги штамми одамларни шуниси билан хавотирга солмоқдаки, – у болаларда кўп учрамоқда" дейди коронавирустга қарши курашиш республика штаби аъзоси Нурмат Отабеков. Унинг айтишича, Ўзбекистонда ҳозир коронавируснинг британча штамми аниқланмади. Шундай бўлсада, у одамларни хавотирга соляпти. Бу янги вирус аини кўнда дунёнинг 41, Европанинг 22 давлатида аниқланган.

"Бу касаллик болаларда кўп учраяпти. Болаларда касалланиш ҳолатларида кузатишган 5 та асосий клиник белги қайд этилган. Булар: бош оғриғи, томоқ оғриғи, ҳолсизланиш, иштаҳа йўқолиши, қорин соҳасида оғриқлар пайдо бўлиши билан белгиланади. Бу белгилар 19 ёшгача бўлганлар ва ёш болаларда кузатиляпти", деди у.


Соғлиқни сақлаш бўйича мутахассисларнинг фикрига кўра, касал болаларнинг аксарияти чарқочдан азият чекади. Инфекцияни юқтирган ҳақалоқларда тез-тез йиғлаш ҳолатлари учрайди. Касалланган болаларнинг ярмидан кўпи (53 фоизи)

бош оғриғидан шикоят қилган. Шу билан бирга, уларда қорин оғриғи ҳам кузатишмоқда. Шунинг учун ота-оналар қорин бўшлиғидаги ноқулайлик билан бир вақтда пайдо бўладиган бош оғриғи бор-йўқлигини фарзандларидан сўраб туришлари лозим.

Коронавируснинг янги штамми билан оғриган болаларнинг деярли ярмида ҳарорат 37 даражадан юқори бўлган. Болаларнинг 38 фоизи томоқ оғриғидан шикоят қилган.

Касалланганларнинг тахминан 35 фоизи иштаҳа йўқолганини айтишган. Кўпинча бир ёшга тўлмаган чақалоқларда бу ҳолат кузатилади. Шу сабаб шифокорлар болаларни оз-оз, аммо тез-тез овқатлантиришни маслаҳат беришади.

COVID-19 нинг янги штамми катталарда ёки болаларда аниқланишидан қатъи назар, Ўзбекистонда уларни даволаш учун 30 мингдан ортиқ шифо ўринлари мавжуд. Жами 5 минг нафардан ортиқ тиббиёт ҳодимлари тегишли тайёргарликдан ўтказилган. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар захира қилиб қўйилган.



Ҳозирда коронавируснинг янги штамми авж олиб бораётган 8 та давлат билан Ўзбекистон ўзининг авиакатнонларини вақтинча муддат бекор қилди. Шунга қарамай хотиржамликка берилишга асло ўрин йўқ. Бу – мамлакатимиз хавфдан бутунлай ҳоли дегани эмас. Жамоат жойларида ижтимоий масофани сақлаш, ниқоб тақиш, одамлар гавжум жойларга бормаслик сизу бизни бу кўринмас қуролнинг нишонига айланишдан асрайди.

Феруза МАДАЛИЕВА,
Фарғона шаҳар 2-ойилар поликлиникаси бош врач, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати.

VI чақириқ халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг XXII сессияси

Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессияга халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокими ўринбосарлари, ижтимоий соҳадagi ташкилот раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот вакиллари тақдир этилди.

Сессияни халқ депутатлари шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Х. Хабибидинов очди ва олиб борди.

Кун тартибидаги даслабки масала Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2020 йилнинг 8 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида аёлларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ёрдам бериш, касб ўрганишга иштиёқи бўлган ишсиз хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгилаб берилган муҳим вазифалар ҳамда бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 20 январдаги топшириқ хати ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда хотин-қизларни «Аёллар дафтари» рўйхатидан чиқариш ва янгиларини киритиш ҳамда бу борада секторлар раҳбарлари ва маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг таҳлилига қаратилди.

Шунингдек, сессияда Фарғона шаҳар секторларининг 2021 йил биринчи ярим йиллик иш режаларини тасдиқлаш, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши котибияти мутахассисларини тайинлаш уларнинг 2021 йил биринчи ярим йиллик давр учун иш режаси ва тақсимоти каби бир қатор масалалар кун тартибидан ўрин олди.

Ўзбек халқи жуда қадим замонларданоқ илм-фанга катта эътибор билан қараган ва уни ривожланишига ҳаракат қилган. Ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўллаб алломалар илм-фанны дунёга танитганлар.

Илм-маърифатга бекиёс ҳурмат, чексиз эҳтиром билан қараган халқимиз қандай қийинчилик ва тўсиқлар бўлмасин, ўз фарзандларини саводли бўлишини орзулаб, уларни ёшлигиданоқ мактабга, ўқишга берганлар. Бу борада ҳуқумат ва давлат раҳбарининг эътибори, таълим тизимидаги ислохотлар биз – ўқитувчиларга ҳаминша куч бағишлайди.

Биринчи синфга қадам қўйган барча болаларга ўқув қуролларининг совға қилиниши, уларга бўлган эътибор Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг келажак авлодни саводхон, юк-

сак маданият эгаси бўлиб етишшилар учун ғамхўрликларининг ёрқин нишонасидир.

Пойдевор мустаҳкам бўлсагина бино узоқ йил хизмат қилади. Саводхонлик, фикрлаш, оғзаки нутқ ҳам айнан 1-4-синфларда ривожлана бошлайди. Бу даврда тўғри қўйилган қадам келажак учун асосий дастуриламалдир. Болаларга савод ўргатиш педагогикадагина эмас, балки ижтимоий ҳаётда ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунки халқнинг саводхонлиги озодлик учун сиёсий онглилик, маънавий бойлик ва маданият учун кураш қуролидир.

Бошланғич синфларда ўқитиш предметининг вазифаси, биринчи навбатда, болаларни тез, меъёрида тўғри, онгли ва ифодали ўқиш малакаларини ривожлантириш билан қуроллантириш ҳисобланади. Болалар нутқни ўқув предмети сифатида англай-

дилар, улар хоҳлаган ва қизиқарли нарсаларнигина эмас, балки зарурий нарс ва ҳодисалар ҳақида ўйлаб, режали нутқ тузиш лозимлигини ҳам тушуна бошлайдилар. Ўзининг график шакли билан эмас, балки лексикаси, синтактик ва морфологик шакли билан ҳам оғзаки нутқдан фарқ қиладиган ёзма нутқни эгаллайдилар.

Ўқитиш методикасида интер-фаол усуллардан фойдаланиш, машғулотларни турли кўргазмалли қуроллар, ўйинлар шаклида олиб бориш педагогдан чинакам маҳорат талаб этади.

1-синфга қадам қўйган ўқувчилар орасида оғзаки нутқи яхши ривожланмаган болалар

Тўғри қўйилган қадам келажак дастуриламали

билан алоҳида (индивидуал) шуғулланиш, уларнинг психологиясидан келиб чиққан ҳолда дарс машғулотларини олиб бориш, зарур бўлса, ота-она ва логопед ёрдамига таяниш муҳим рол ўйнайди.

Таълим-тарбиявий вазифаларни биргаликда амалга ошириш учун ўқиш дарсларида матнни ўқишгина эмас, балки матн устида қандай ишлаш кераклиги аҳамиятидир. Синфда ўқиш дарсларида таълим-тарбия вазифаларини ўқувчиларга билим ва кўникмаларнинг маълум йиғиндисини эгаллашни, уларда миллийлик учун зарур бўлган шахсий сифатларни шакллантириш билан бирга амалга оширилади.

Ўқиш китобида киритилган асарлар мазмунига Ватан, миллат ҳақидаги билим ва тушунарлар ўқувчилар синфдан-синфга ўтишлари билан бойиб боради. Ўқиш дарсларида барча ишлар ДТС талаблари асосида ташкил этилади.

Ўқитувчи учун энг муҳими шундан иборатки, бола ўзи оладиган билим, унда шаклланадиган хис-туйғу ҳаётда зарур ва аҳамиятли эканини тушуниб етсин. Шундагина педагогларнинг қилаётган саъй-ҳаракатлари бе-самар кетмайди.

Махлиб МАМАЖОНОВА,
Фарғона вилоят чет тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати тарбиячиси.



Саломатлик – инсон учун бебаҳо ва беқиёс бой-лик. Тиббиёт ходимлари олдида турган энг муҳим вазифа эса ана шу бойлиқни асрашда аҳолига яқиндан кўмак беришдир. Вилоятимиздаги қўли енгил шифокорлар ҳақида гап кетганда, 30 йил-дан зиёд меҳор болажонлар дардида даво улашиб келаётган, фидойи инсон Раҳимжон Халиков но-мини ҳурмат билан тилга оламиз.

Гўдакларнинг бегубор кулгусидан куч олиб ишлаётган қаҳрамонимизнинг “Ҳар бир бола – янги бир олам. Бо-ланинг бегонаси бўлмайди, қабулимизга олиб келинаёт-ган болажонларга, аввало, шифокор кўзи билан эмас, меҳрибон ота, бобо нигоҳи билан қарашга ҳаракат қиламан. Имкон қадар беморларни табиий усуллар бил-лан даволаш бўйича маслаҳатларини аямайман. Бу қоракўзларнинг тинчлиги, осойишталиги, саломатлиги-ни асрашни ўз зиммамга юклатилган улкан масъулият деб биламан”, - дейишидан ҳам унинг болапарварлигини сезиш қийин эмас.

Шарафли касбига масъулият билан ёндашиб, бор куч-гайратини эл-юрт саломатлигига бахшида этиб келаёт-ган Р.Халиков 1990 йилда Фарғона туман марказий по-ликлиникасида болалар невропатологи сифатида иш бошлади. Кейинги меҳнат фаолияти давомида вилоят болалар шифохонасида болалар невропатологи, Фарғона туман СУБ шифохонасининг бош врачи, Тиббий меҳнат экспертизасида невропатолог, Фарғона шаҳар 1-оила-вий поликлиникасида бош врач ўринбосари бўлиб хиз-

Фидойилар керак юртга, фидойилар!

мат қилди. 2014 йилдан буён Фарғона шаҳар кўп тар-мокли поликлиникасида меҳнат келмоқда.

Шифокорнинг битта рақиби бўлади. У ҳам бўлса дард. Дардни енгиб, беморга шифо ато этган шифокор ғолибдир. Гўдагининг жони огриса, ота-онанинг кўзига дунё тор бўлиб кетади. Юзларидан нур ёғилиб, бор би-лим ва тажрибасини аямаган Раҳимжон Халиков каби фидойи шифокорларимиз эса ҳамиша халқ ҳурматида, эъзозу эҳтиромга сазовор.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби, тиббиёт ходимлари ўртасида ҳам “Устоз-шогирд” анъаналари яхши йўлга қўйилган. Тажрибали шифокор устозлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош болалар невропатологи, болалар неврологияси кафедраси муди-ри Шаанвар Шамансуров, болалар неврологияси кафе-драси доценти Мактуба Ҳуломовадан олган сабоқларини мунтазам равишда амалиётга татбиқ этиб келмоқда.

Инсон саломат бўлса, мамлакат ривожى учун ҳисса қўша олади. Фарзанди соғлом бўлган ота-она хотиржам меҳнат қилади. Ҳаётимиз қувончларининг жисмонан соғлом, ақлан етук бўлиб етишишларида саломатлиги-миз посбонлари ҳамиша кўмакдош.

Халқимизда: “Табиб ҳар жойда бор, шифо бир жойда”,- деган нақл бор. Бу фикрнинг қанчалар ҳақиқатга яқин эканига ўз фарзандим тимсолида ғувоҳ бўлдим. Қизалоғим инжикланиб, неча туналрни бедор ўтказдим, қилмаган муолажам қолмади. Хали тили тўлиқ чиқмаган гўдак қаери огриётганини айта олмайди, биз ёш оналар нима қилишни билолмай эсанқираб қоламиз. Айни шун-дай мушкул вазиятда бола билан тиллаша оладиган, жонкуяр шифокоримиз ёрдамга муҳтож бўламиз. Яхши шифокор беморни кўрса, ёрдам бермагунича жони тин-чимайди. Биз ижодкорлар эса яхши инсонни кўрсак, илҳом сира тинчлик бермайди.

Раҳимжон Халиковдек камтарин, кичиккўнғил, сами-мий инсонлар ҳамиша халқ меҳрига сазовор. Уларнинг юриш-туриши, одамий фазилатлари, ватанпарварлиги барчамиз учун ибрат.

Бугунги кунда шифокорларимиз замонамизнинг чи-накам қаҳрамонлари, уларни ҳар қанча эътироф этсак ҳам шунча оз. Мақолани халқимизнинг юрагидаги изҳор билан яқунлашни жоиз деб билим: Борингизга шукр, фидойи шифокорлар, биз сиз билан ҳамиша faxрлана-миз!

Озодабону РУСТАМОВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуника-
циялар университети талабаси.

Ҳамма нарса ҳақида

Мурожаатлар ижобий якун топди

Сўнгги йилларда аҳолини қийнаб келаётган муаммо-ларнинг аксарияти ижобий ҳал этилаётганлиги сабаб фуқароларимиз давлатимиз ва олиб борилаётган сиёсат-дан миннатдор бўлишмоқда. Қува тумани адлия бўлимига келиб тушган собиқ Кува тумани Қишлоқ ҳўжалиги ва иж-тимоий иқтисодиёт коллежсининг 65 нафар ходимлари-нинг мурожаати уларнинг фойдасига ҳал этиб берилди.

Мурожаатда маълум бўлишича, 2020 йил 1 июль куни-дан коллеж тугатилганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган, ходимлар 2020 йил 6 июль куни иш қидирувчи шахс сифатида туман бандликка кўмаклашиш марказидан рўйхатдан ўтган, лекин бандлик маркази то-монидан уларга мақбул келадиган иш таклиф этилмаган-лиги, учинчи ой учун тўланиши керак бўлган ишдан бўша-тиш нафақасини шу кунга қадар ололмаганлиги баён этилиб, ушбу суммани ундиришда амалий ёрдам беришни сўралган.

Мурожаатни ўрганиш давомида, вилоят молия бошқармаси томонидан ушбу коллежнинг қарздорлиги учун маблағлар ажратиб берилмаганлиги сабабли ходим-ларнинг иш ҳақлари тўланмай келинганлиги аниқланди. Қува туман адлия бўлими томонидан мурожаатчилар манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига ариза киритилиб, жами 66 253 440 сўм ишдан бўшаганлик нафақасини ундириб бериш бўйича суд буйруғи қабул қилинди.

Б. ГАФУРОВ,
Адлия бўлими маслаҳатчиси.

Амалда бажарилди

Фарғона шаҳар Бош вазир қабулхонаси ҳамда тўртинчи сектор раҳбари билан ҳамкорликда Иф-тихор маҳалла фуқаролар йиғинида ёш ва аёл тад-биркорлар билан учрашув ўтказилди. Унда тад-биркорларнинг 10 дан ортиқ мурожаатлари тингланиб, улардан 3 таси «business.gov» электрон порталига жойлаштирилди.

Мурожаатчиларга қонуний тушунтиришлар бе-рилиб, ўрганиш учун вақт талаб қиладиганлари борасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

М. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг Тадбиркорлар му-рожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири.

ТАБИАТ ДОРИХОНАСИ

Куз ва қиш мавсумида шамоллаш ка-салликлари тарқалади. Касалликларни даволашдан кўра олдини олсак, тибби-ётда кенг қўлланилиб келинаётган ан-тибиотикларсиз ҳам саломатликни ти-клаб олиш мумкин бўлади. Совуқ кунларда қиздирувчи, тетиклаштирув-чи шифобахш ичимликлар ҳар қандай хасталикни бартараф этишга қодир.

Асал ва лимонли чой – бурун бити-ши ва кўздан ёш оқиши, бу шамоллаш-нинг илк белгилари. Биринчи навбатда қора ёки кўк чой дамлаганда, унга 1 чой қошиқ асал ва икки паррак лимон бўлақларини солиш шамоллашнинг илк аломатларини бартараф этишда са-маралидир.

Малинали чой – қуритилган малина мевалари ёки мураббоси устига қайноқ сув қуйиб, бироз дам егач ичиш шамол-лашга даво бўлувчи шифобахш чойдир.



Наъматакли чой – наъматак С ви-таминига бойлиги сабаб у ҳамма касали-кларни енгишга ёрдам беради. Майда-ланган 3 ош қошиқ наъматак меvasи устига 0,5 л қайноқ сув қуйиб термосда кечасига олиб қўйилиб, эрталаб ярим пиёла ичиш тавсия этилади. Наъматак-ли ичимликни 1 кунда 4 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин ичган одам, қишдан ха-сталанмай чиқishi шубҳасиздир.

Саримсоқли сут – саримсоқли сут ша-моллаган танага бир кечада дармон ки-ритиб, оёққа турғазинга қодир шифо-бахш ичимликдир. Илик сутга 10 томчи саримсоқ шарбати қўшилади ва кечаси уйкудан олдин ичилади.

Лимон ва занжабилли ичимлик – қишнинг совуқ кунларида занжабил ва лимонли шифобахш ичимлик иммунит-етни мустақамлайди, меҳнат қилиш лаёқатини оширади. 1 пиёла қайноқ су-ва 1 ош қошиқ асал, 1 ош қошиқ лимон шарбати, 0,5 чой қошиқ занжабил илди-зи кукунни ва бир чимдим долчин солиб аралаштирилади. Ичимликка озгина қуритилган яллис қўишиш мумкин.

Наргиза МАҲМУДОВА,
Фарғона давлат университети ўқитувчиси.

Фарғона шахрида хизматлар ишлаб чиқариш

	Млн. сўм	2020 йил. январ-ноябрь 2019 йил. январ-ноябрга нисбатан %.
Жами - хизматлар	5567124,9	102,9

КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАР РАҲБАР ВА ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1-KB shakli (йиллик) Микрофирма ва кичик корхонанинг фаоляти тўғрисида”ги давлат статистика ҳисоботини 2021 йилнинг 26 февралдан кечиктирмай, хато ва камчиликларсиз eStat 3.0 тизими орқали электрон кўринишда тақдим этишларин-гизни эслатамиз.

Тақдим этиладиган ҳисобот турларини www.stat.uz сайтининг КТЯДР саҳифасида асосий фаоляти тури ва Кўмитанинг www.stat.uz (“Асосий саҳифаси”да “Интерак-тив хизматлар” саҳифасининг “шакллар рўйхати”) расмий веб-сайтларидан оли-шингиз ҳамда барча турдаги давлат статистика ҳисоботларини электрон рақамли имзодан фойдаланган холда интернет орқали жўнатишингиз сўралади.

Хурматли тадбиркор! Ҳисоботни ўз вақтида жўнатишни унутманг. Сизга яратил-ган имкониятдан фойдаланинг. Вақтингизни қадрланг!

Мурожаат учун телефонлар: 73-244-67-21, 73-244-67-22
Фарғона шаҳар статистика бўлими

МУАССИС:
Фарғона шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Азизбек СОЙИБНАЗАРОВ

Манзилимиз: Фарғона шаҳар,
Нурафшон кўчаси, 15.
Телефон: 243-91-64.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 9 январда 12-003 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси - 7503. Расмий веб-сайтимиз: fargonatongi.uz

ISSN 2010-927X



9 772010 927004

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Оригинал макет асосида «Полиграф-пресс» МЧЖ босмахонасида офсет усулида чоп этилди.

Босмахона манзили: Марғилон шаҳар, Туркистон кўчаси, 236-уй.
Адади 2740 нусха. Бюрогма рақами

Ушбу сонга масъул М.Маҳмудова босишга топшириш вақти 17.00.
Топширилди 17.00. Баҳоси эркин нарҳда.

28 январь
2021 йил

Истеъмолчилар ҳуқуқлари доим ҳимояда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация-си ҳузуридаги Ахборот ва ом-мавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси биносида омма-вий ахборот воситалари ва-киллари ҳамда матбуот хиз-мати раҳбарлари билан биргаликда Ўзбекистон Рес-публикаси Монополияга қар-ши курашиш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2020 йил давомида амалга ошир-ган ишлари тўғрисида мат-буот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда йил давомида табиий монополия субъект-лари ва монополист корхона-лари томонидан “Рақобат тўғрисида”ги, “Табиий мо-нополиялар тўғрисида”ти қонун ҳужжатларининг бузи-лиши юзасидан тадбиркор-лик субъектларидан келиб

тушган 22 та аризалар кўриб чиқилиши натижасида 469,3 млн сўм, бевосита ҳудудий бошқарма томонидан вако-

лат доирасида олиб бори-лан ўрганишлар натижасида 7 та улгуржи истеъмолчилар фойдасига 155,4 млн сўм, жами бўлиб 29 та тадбиркор-лик субъектлари фойдасига 624,7 млн сўмдан ортиқ маблағлар қайтарилганлиги ҳақида атрофлича маълумот-лар берилди.

Бошқарма томонидан 2020 йил январ-декабрь ойларида жами 1817 та, шундан, 111 таси ёзма, 983 таси оғзаки ва 723 таси электрон кўрини-шда, шу жумлада, мурожа-атларнинг 1808 таси жи-соний шахслардан 9 таси юридик шахслардан, келиб тушган жами 3878,7 млн. сўм маблағлар истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди.

Аҳаджон МЎЙДИНОВ,

ТАЪСИРЧАН НУТҚ ЭГАЛАРИ САРАЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 21 октябрда “Ўзбек тилининг давлат тили си-фатидаги нуфузи ва маъқенин тубдан ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинди.

Фармонда юртбошимиз томонидан ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқроқ миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан оширишни кўзлаб бир қанча чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Бевоcита юқоридаги Фармоннинг ижросини таъмин-лаш ҳамда ёшларимизни Ватанимизга, давлат тилига бўлган ҳурмат ва эътиборини кучайтириш мақсадида Фарғона шахридаги Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари иштирокида “Энг таъсирчан нутқ эгаси” кўрик-танлови ташкил этилди. Танловда белгиланган ҳар икки шартда илғор бўлган тарбиячлар мутлоқ ғолибликни қўлга киритишди. Натижаларга кўра, 1-ўринга 25-МТТ тарбиячиси Д. Расулова, 2- ўринга 52-МТТ тарбиячиси Д. Юлдашева, 9-МТТ тарбиячиси Г. Ис-роилова эса 3-ўринга муносиб топилиди.



ДАРАХТЛАРНИ ҚИШДА БУТАШ

Қишки бугашда мевали дарахтнинг ўсиши ва ҳосил тўплаши учун жуда фойдалидир. Куз фаслида дарахт қувватининг кўп қисми унинг танаси ва илдизида бўлади.

Агар дарахт ухлаётган қиш пайтида унинг устки қисмидаги кўплаб ортиқча шохлар кесиб ташланса, унинг қуввати сақланиб, келаси йили баҳорда сақланган қувват ёш, кучли шохларнинг ўсиб чиқишига сарфланади.

Афсуски, у ёш шохлар тик ўсувчи бўлиб, қуёш нурларини тўсиб қолиши сабабли ўсишга ҳалақит қилади, натижада уларни кесиб ташлашга тўғри келади. Бугашни имкони бори-ча кеч қишда бошлаш зарур, чунки қишнинг ўртасида янги кесилган бутоқларнинг тўқималарини совуқ олиши мумкин.

Бугашни биринчи олма дарахтларидан бошлаб, кейин ги-лос, шафтоли ва олхўри дарахтларини бугаш зарур.

Ш.СУЛАЙМОНОВ, ЎҚОРАБОВ, Н.ИБРАГИМОВ,
С.НЕМАТОВ,

Фарғона вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси инспекторлари.

Онажон

Гулдаста

*Онажон қалбимда, нафасимдасан,
Йиғласам йиғлаган ғамжўрим ўзинг,
Шеърларим, қуйларим, қасидамдасан,
Онажон шом ила наҳорим ўзинг.*

*Ўзингсан, қалбимнинг моҳитабони,
Қалбимни йўлингга этай пояндоз.
Меҳрибоним, мунисам, мушфиқим ўзинг,
Сени таърифлашга калом етмас, оз.*

Нуржаҳон НАЗИРДИНОВА,
Қувасой шаҳар 27-ўрта таълим мактаби 5 «а» синф ўқувчиси.